

А Ж Р И М

(ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан шартли озод қилиш тўғрисида)

2025 йил 3 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Янгиобод туман Баркамол авлод болалар мактаби биносида бўлиб, туман судининг раиси Т.Эшонқуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси З.Кобиловнинг котиблигида, Янгиобод туман прокурори катта ёрдамчиси А.Ирматов, Янгиобод туман ИИБ ЖХХ пробация гуруҳи катта инспектори Н.Турдиев ва маҳкум С.Абдуғаффоровнинг иштирокида,

1969 йил 20 апрель куни Сирдарё вилояти, Ховос туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман судининг 2024 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга давлат иштирокидаги корхона-ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил 11 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Янгиобод туманидаги “Zilol Gold” МЧЖда ишчи, Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, “Баландчақир” маҳалласи, Варқин қишлоғи, Нурафшон кўчаси, 4-уйда яшовчи Абдуғаффоров Сунатулла Неъматуллаевич (Abdug'afforov Sunnatulla Ne'matullayevich) га

нисбатан 1-1313-2401/49-сонли иш бўйича Янгиобод тумани ИИБ бошлиғи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномаси ва иш ҳужжатларини кўриб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Маҳкум Абдуғаффоров Сунатулла Неъматуллаевич жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман судининг 2024 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга давлат иштирокидаги корхона-ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил 11 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Янгиобод тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномасида, С.Абдуғаффоров ўзини ижобий томондан кўрсатиб, жазони ўташда ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги ва содир этган жиноятидан пушаймонлиги



сабабли, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Тақдимномага кўра, маҳкумнинг ўталмай қолган жазоси 13 ой 27 кунни ташкил қилади.

Маҳкум Янгиобод туман пробацяя бўлими томонидан 2024 йил 9 ноябрда ҳисобга олинган бўлиб, тайинланган жазони қонунда белгиланган қисмини ўтаган, жазони ўташ вақтида жазо тартиб-қоидаларини бузмаган ва ижобий тавсифланган.

Суд мажлисида маҳкум С.Абдуғаффоров қуйидагиларни, яъни у қилмишидан пушаймонлигини, оилавий моддий шароитини инобатга олиб, туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қувватлаб, тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида Янгиобод туман ИИБ ЖХХ пробацяя гуруҳи катта инспектори Н.Турдиев, С.Абдуғаффоров жазо турлари учун ўрнатилган тартиб қоидаларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганини, жазонинг учдан бир қисмини ўтаганини, шу сабабли Янгиобод туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларни фикрларини эшитиб, иш материаллари билан танишиб чиқиб, маҳкумни ахлоқан тузалганлигини тасдиқловчи далиллар етарли эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасига асосан ўталмай қолган 13 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, суд маҳкумга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисмидаги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ жазо тайинланиши назарда тутилган қоидаларни тушунтиришни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси ва ЖПКнинг 539, 541-моддаларини қўллаб ажрим қилади,

А Ж Р И М:

Янгиобод тумани ИИБ бошлиғи томонидан берилган тақдимнома қаноатлантирилсин.

Маҳкум Абдуғаффоров Сунатулла Неъматуллаевич суд томонидан тайинланиб, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажрим ижро қилиш учун Янгиобод тумани ИИБга юборилсин.

Маҳкум С.Абдуғаффоровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисмида назарда тутилган қоидалар тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн суткада апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгач кассация тартибида Жиззах вилоят судига хусусий шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Т.Эшонқулов



Нусхаси аслига тўғри

Ҳужжат имзоланган: Эшанкулов Тўлқин Қурбонбоевич, 04.09.2025

